

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
Бошқаруви Раисининг
биринчи ўринбосари


А.Ақбаржонов

2023 йил “30” июнь

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБда Антифрод мониторинг дастури


яратиш учун

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ


70 варақда
31.10.23гдан амал қилади

КЕЛИШИЛГАН


Ахборот технологиялари
департаменти директори


Т.Норов

Хавфсизлик ва ахборотларни
муҳофаза қилиш департаменти
директори


С.Сергиенко


Корпоратив бизнес
департаменти директори


М.Набиев

Комплаенс-назорат
департаменти директори


Ж.Юсупов

Банк карталари тизимларини
қўллаб-қувватлаш департаменти
директори


М.Каримов


Кичик ва ўрта бизнес
департаменти директори


Ш.Халилов

Риск менежмент
департаменти директори


К.Каримов

Рақамли бизнес департаменти
бошқарма бошлиғи


Т.Мусурмонов

Чакана бизнес департаменти
директори


Ф.Хўжаев

Мундарижа

I. УМУМИЙ МАЪЛУМОТ	4
1.1. Ахборот тизимининг тўлиқ номи ва унинг белгиси	4
1.2. Буюртмачи ва ахборот тизимини ишлаб чиқарувчи ташкилотларнинг номи ва реквизитлари	4
1.3. АТ яратишга асос бўладиган ҳужжатлар рўйхати	4
1.4. Режалаштирилган ишлар бошланиши ва тугаш муддати	4
1.5. Ишлар натижаларни расмийлаштириш ва тақдим этиш тартиби	4
II. АНТИФРОД МОНИТОРИНГ ТИЗИМИНИНГ ВАЗИФАСИ ВА ЯРАТИШ МАҚСАДЛАРИ	5
2.1. АТ вазифаси.....	5
2.2. АТ яратиш мақсадлари	6
III. АХБОРОТЛАШТИРИШ ОБЪЕКТИНИНГ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ	6
3.1. Ахборотлаштириш объекти тўғрисида қисқа маълумотлар ёки бундай ахборотни ўз ичига олган ҳужжатларга ҳаволалар	6
3.2. Ахборотлаштириш объектини эксплуатация қилиш шартлари ва атроф муҳитнинг характеристикалари тўғрисидаги маълумотлар.....	7
IV. АНТИФРОД МОНИТОРИНГ ТИЗИМИГА КУЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР	7
4.1. Антифрод мониторинг тизими га қўйиладиган талаблар.....	7
4.1.1. Антифрод мониторинг тизими структураси ва ишлашига қўйиладиган талаблар	7
4.1.2. Чет ахборот тизимлари билан ўзаро ишлашга қўйиладиган талаблар	9
4.1.3. Фойдаланувчиларнинг сони ва малакасига қўйиладиган талаблар	10
4.1.4. Вазифаси кўрсаткичлари.....	11
4.1.5. Ишончилигига қўйиладиган талаблар.....	11
4.1.6. Хавфсизлигига қўйиладиган талаблар.....	13
4.1.7. Эргономика ва техник эстетикага қўйиладиган талаблар	14
4.1.8. Патент ва лицензияга қўйиладиган талаблар.....	14
4.1.9. Стандартлаштириш ва бир хиллаштириш бўйича талаблар.....	15
4.2. Антифрод мониторинг тизими бажарадиган функцияларга(вазифаларга) қўйиладиган талаблар.....	16
4.2.1. Авторизация	16
4.2.2. Сценарий ва қоидалар.....	18
4.2.3. Хабарномалар ва жорий ҳолат.....	24
4.2.4. Кейслар.....	27
4.2.5. Инцидентлар	31
4.2.6. Лимитлар соғламалар	32

4.2.7. Қора рўйхат	35
4.2.8. Оқ рўйхат	37
4.2.9. Рўйхатлар бўйича алоҳида қоидалар	39
4.2.10. Тестинг	40
4.2.11. Импорт / Экспорт.....	42
4.2.12. Ҳисоботлар / Аудит	42
4.2.13. Фойдаланувчи	44
4.2.14. Тизим созуламалари	52
4.2.15. Ички фирибгарликлар	58
4.3. Таъминот турларига қўйиладиган талаблар	58
4.3.1. Математик таъминотга қўйиладиган талаблар	58
4.3.2. Ахборот таъминотида қўйиладиган талаблар	59
4.3.3. Лингвистик таъминотга қўйиладиган талаблар	59
4.3.4. Дастурий таъминотга қўйиладиган талаблар	59
4.3.5. Техник таъминотга қўйиладиган талаблар	60
4.3.6. Метрологик таъминотга қўйиладиган талаблар	61
4.3.7. Ташкилий таъминотга қўйиладиган талаблар	61
4.3.8. Услубий таъминотга қўйиладиган талаблар	62
4.3.9. Фойдаланувчиларни ўқитиш	62
4.3.10. Товарларни суғурталашга қўйиладиган талаблар	63
4.3.11. Кафолатларнинг ҳажми ва/ёки муддатига қўйиладиган талаблар	63
V. АХБОРОТ ТИЗИМИ ЯРАТИШ ИШЛАРНИНГ ТАРКИБИ ВА МАЗМУНИ.....	63
VI. АХБОРОТ ТИЗИМИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ	65
VII. АХБОРОТ ТИЗИМИНИ ИШГА ТУШИРИШГА ТАЙЁРЛАШ ИШЛАРНИНГ ТАРКИБИ ВА МАЗМУНИГА ҚўЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР.....	67
VIII. ҲУЖЖАТЛАШТИРИШГА ҚўЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР	69

I. УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

1.1. Ахборот тизимининг тўлиқ номи ва унинг белгиси

Тизимнинг тўлиқ номи – “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБда Антифрод мониторинг тизими.

Тизимнинг шартли белгиланиши – “Антифрод мониторинг тизими”.

1.2. Буюртмачи ва ахборот тизимини ишлаб чиқарувчи ташкилотларнинг номи ва реквизитлари

Буюртмачи ташкилот: “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ

Манзил: Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Шахрисабз кўчаси, 3-уй

Тел: 71-120-45-00

Х/Р: 19907000000000440600

МФО: 00440

ИНН: 200833707

ОКЭД: 64190

Рўйхат рақам ҚҚС: 326030011774

Банк веб сайти: sqb.uz

Почта манзили: info@sqb.uz

Ахборот тизими ишлаб чиқарувчи ташкилот тендер (танлов) савдоларининг натижалари асосида аниқланади.

1.3. АТ яратишга асос бўладиган ҳужжатлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк карталарининг чиқарилиши ва муомалада бўлиши қоидалари тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3294, 03.04.2021 й), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2023-йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022-йил 22-августдаги ПҚ-357–сон қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида банкда фирибгарликка қарши курашиш тизимини жорий қилиш зарурати туғилмоқда.

1.4. Режалаштирилган ишлар бошланиши ва тугаш муддати

Таъминотчи ташкилот билан лойиҳани амалга ошириш тўғрисида шартнома имзолангандан сўнг, дастлабки компонент 60 иш куни ичида синов тариқасида ишга тушириш режалаштирилган.

1.5. Ишлар натижаларни расмийлаштириш ва тақдим этиш тартиби

Тизим шартномада белгиланган муддатларда ишлайдиган комплекс шаклида ўтказилади.

Алоҳида босқичлар ва умуман иш тугагандан сўнг, пудратчи ташкилот томонидан босқичма-босқич амалга оширилган ишлар тўғрисида батафсил маълумотларни акс эттирган ҳолда ишни қабул қилиш далолатномасини тақдим этади.

Иш натижалари банк томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан баҳоланади.

Тизим REST API технологиясидан фойдаланган ҳолда ишлаши мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари айрим амалга оширилаётган транзакциялар бўйича шубҳа уйғонганда тизим банкнинг “Контакт/Кол маркази” га мижоздан аниқлик киритиш бўйича сўров шакллантириш ва сўров натижаси бўйича хулоса чиқариш лозим (Бунда қайси оператор томонидан хулоса киритилганлиги қайд этилиши зарур).

Тизимда шахсга доир маълумотлар мавжудлиги учун тизимнинг маълумотлар базасига кирилиши қатъий назоратга олиниши зарур. Лог файлларда мижозларнинг банк картаси маълумотлари тўлиқ кўринишда сақланмаслиги керак.

Техник топшириқномага асосан ишлар якунига етказилганидан сўнг, вендор қабул қилиш тўғрисидаги далолатномани буюртмачига тақдим этади. Ишларни топшириш ва қабул қилиш санаси қабул қилиш комиссияси томонидан имзоланган сана ҳисобланади.

II. АНТИФРОД МОНИТОРИНГ ТИЗИМИНИНГ ВАЗИФАСИ ВА ЯРАТИШ МАҚСАДЛАРИ

2.1. АТ вазифаси

Антифрод тизими фирибгарлик фаолиятни аниқлаш ва олдини олиш учун бир нечта асосий функцияларни бажаради. Тизимнинг асосий вазифалари:

- Аномалияларни аниқлаш: Фирибгарликка қарши тизим аномал ва ғайриоддий ходисаларни аниқлаш учун маълумотлар ва транзакцияларни таҳлил қилади. Бунга транзакциялар орасидаги ноодатий вақт оралиғи, ноодатий пул ўтказмасининг миқдори ва фирибгарлик ҳолатига олиб келиши мумкин бўлган бошқа аномалиялар.
- Мижознинг жорий транзакцияларини ўтказилган транзакциялар билан солиштириш: тизимдаги ноодатий ёки номувофиқ ҳолатларни аниқлаш учун жорий операцияларни тарихий маълумотлар ва хатти-ҳаракатлар намуналари билан таққослайди. Бу мижозлар ёки банк ходимларининг хатти-ҳаракатларидаги ноодатий ўзгаришларни аниқлашга ёрдам беради.
- Сигнал мониторинги: Фирибгарликка қарши тизими фирибгарликни аниқлаши мумкин бўлган маълум сигналлар ва нисбатларни назорат қилади. Бунда аккаунтга киришдаги хато уринишлар, шубҳали ИП манзиллар, мамлакатлар ёки қурилмалар ва фирибгарликни белгилайдиган бошқа кўрсаткичлар киради.
- Хатарларни таҳлил қилиш: Фирибгарликка қарши тизимлар ҳар бир транзакция ёки ҳаракат учун хавф даражасини турли омиллар, жумладан, мижозлар фаолияти тарихи, транзакция миқдори, транзакция тури ва бошқа параметрлар асосида баҳолайди.
- Блоклаш ва олдини олиш: Агар тизим фирибгарликнинг юқори чегара хавфини аниқласа, транзакцияни блоклаш ёки кечиктириш, қўшимча аутентификацияни талаб қилиш, маъмурларга огоҳлантиришлар юбориш ёки тергов жараёнларини автоматик равишда бошлаш учун чоралар кўриши мумкин.

- Бошқа тизимлар билан интеграция: Фирибгарликка қарши тизимлар кўпинча биометрик аутентификация тизимлари MY-ID, АБТ ва бошқа хавфсизлик ва мониторинг тизимлари билан интеграция қилинади.
- Ҳисобот ва таҳлил: Фирибгарликка қарши курашиш тизимларининг ҳисобот ва маълумотлари банкга фирибгарликдан ҳимоя даражасини аниқлашга шунингдек, хавфсизликни такомиллаштириш чораларини кўришга ёрдам беради.
- Ўрганиш ва мослашиш: Фирибгарликка қарши тизимлар фирибгарликнинг янги турларини сўнгги мавжуд маълумотлар асосида автоматик равишда ўрганиб уларга мослашиш учун ўз алгоритмларини янгилаб боради.

2.2. АТ яратиш мақсадлари

Дастурий таъминотни ишлаб чиқишда қуйидаги асосий мақсадлар қўйилган:

- банк тизимидаги фирибгарлик амалиётларини аниқлаш, олдини олиш ва камайитириш усулларини автоматлаштириш;
- транзакциялар ёки жараёнларни йиғиш, уларни қайта ишлаш, таҳлил ва алгоритмлардан фойдаланиб потенциал фирибгарликни аниқлаш;
- шубҳали ҳодисаларни зудлик билан аниқлаш, баъзи операцияларни тўхтатиш, ахборот тизимларининг ишончли ва хавфсиз ишлашини таъминлаш орқали фирибгарликдан ҳимоя қилиш;
- мураккаб алгоритмлардан фойдаланиб потенциал фирибгарликлар бўйича сигнал бериш ва ундан ҳимоя қилиш;
- дастур Банкда маълумотлар таҳлилини автоматлаштиради ва соддалаштиради шунингдек, молиявий йўқотишлар ҳамда репутацион рисклардан ҳимоя қилади.

III. АХБОРОТЛАШТИРИШ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

ОБЪЕКТИНИНГ

3.1. Ахборотлаштириш объекти тўғрисида қисқа маълумотлар ёки бундай ахборотни ўз ичига олган ҳужжатларга ҳаволалар

Ҳозирда банкнинг стратегик мақсади мижозлар базасини кенгайтириш, банк хизматларини сифат жиҳатидан яхшилашга ва таклиф етилаётган хизматлар турларини кенгайтиришга қаратилган.

Бугунги кунда фирибгарлик ҳолатлари билан боғлиқ амалиётларни таҳлил қилиш ҳамда уларни аниқлаш жараёнлари узоқ вақт талаб қилмоқда. Бу амалга оширилган транзакциялар таҳлилидан келиб чиқиб аниқланади. Ҳозирда банк карталари транзакцияларни онлайн мониторинг қилиш амалиёти тўлиқ мавжуд эмас.

Шунингдек, ҳозирда банкнинг барча ахборот тизимларини умумлаштирган ҳолда таҳлилни амалга оширадиган интеграцион тизимнинг мавжуд эмаслиги “Антифрод мониторинг тизимини” жорий этиш талабини вужудга келтирмоқда.

3.2. Ахборотлаштириш объектини эксплуатация қилиш шартлари ва атроф муҳитнинг характеристикалари тўғрисидаги маълумотлар

Антифрод тизими ички тизим бўлганлиги сабабли бундай талаблар келтирилмайди.

IV. АНТИФРОД МОНИТОРИНГ ТИЗИМИГА КЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

4.1. Антифрод мониторинг тизимида кўйиладиган талаблар

4.1.1. Антифрод мониторинг тизими структураси ва ишлашига кўйиладиган талаблар

4.1.1.1. Авторизация.

Дастур антифрод мониторинг тизимини такомиллаштириш мақсадида **банк ходимлари учун** ишлаб чиқилади. Ушбу дастурда фирибгарлик ҳолатларини олдини олиш учун **сценарийлар** ишлаб чиқилиб ушбу сценарийларга тўғри келадиган операциялар амалга оширилганда дастур операция бўйича банк ходимига сигнал бериш ёки автоматик блоклаш функцияларини бажаради.

Фойдаланувчи тизимда ишлаш учун авторизациядан ўтиши керак. Фойдаланувчи дастурга кириш учун админ томонидан яратилган логин ва парол орқали киради. Хар бир фойдаланувчи админ томонидан яратилади. Фойдаланувчи дастурга биринчи марта кирганда унинг экранига паролни алмаштириш учун ойна чиқади ва фойдаланувчи админ томонидан яратилган паролни алмаштиради.

Паролнинг мураккаблиги:

- Камида битта катта ҳарф
- Сонлар
- Белгилар

Мисол учун “Asd123*-” ва бу хусусият админ томонидан ўзгартириш хусусиятига эга бўлиши лозим

Фойдаланувчи тизимга киргандан сўнг 30 дақиқа давомида ҳеч қандай амалиёт бажарилмаса автоматик равишда уни тизимдан чиқариб юбориши. Бундай хусусиятнинг вақт чегараси админ томонидан ўзгартириш хусусиятига эга бўлиши лозим

4.1.1.2. Сценарий ва қоидалар

Ушбу бўлимда мавжуд сценарийлар ва қоидаларнинг рўйхати шаклланади.

Аниқланган кейслар ходим томонидан ўрганилиб **Инцидент** ҳолатига ўтказилади. (Кейслар ва Инцидентлар бўлимларига қаранг)

Юқори қисмда “Филтер” ойнаси мавжуд бўлиб, сценарийларни IDси, Соҳаси, Даври, Кейслар, Инцидентлар ва Приоритетидан келиб чиқиб чақириб олиш мумкин.

Рўйхатнинг юқори қисмида янги сценарийлар киритиш учун “Қўшиш”, киритилган сценарийларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш учун “Алмаштириш”, мавжуд сценарийларни рўйхатдан чиқариш учун “Ўчириш” ва асосий менюга қайтиш учун “Чиқиш” ойналари мавжуд.

Транзакцияларни текшириш даврида мижознинг IP манзили, қурилманинг идентификация рақами, транзакция тури, мижознинг рўйхатдан ўтган ёки қайта рўйхатдан ўтган вақтлари инобатга олиниши зарур.

4.1.1.3. Хабарномалар ва жорий ҳолат

Хабарномалар ва жорий ҳолат бўлими яратилган сценарийлар ва қоидалар бўйича аниқланган шубҳали ҳолатлар рўйхати ҳамда уларнинг таҳлилидан иборат бўлади.

Яратилган сценарийлар бўйича аниқланган шубҳали ҳолатлар рўйхати **18-расм** кўринишда шаклланади.

4.1.1.4. Кейслар

Кейслар бўлимида сценарий ва қоидалар бўйича аниқланган ҳолатлар рўйхати шаклланади. Кейсни устига босганда ўша мижоз ҳақидаги барча маълумотлар шакллантирилади.

Ушбу рўйхат яқиний эмас Админ томонидан қўшимча ҳодиса тури киритилиши мумкин. Лекин қабул қилинган қарор турлари бу рўйхат билан чекланмайди. Админ томонидан қарорларга ўзгартириш киритиш ёки янги қарор киритиш имкони мавжуд бўлиши керак.

4.1.1.5. Инцидентлар

Инцидентлар бўлими ҳам “Кейслар” бўлими каби бўлиб фақат Инцидентлар бўйича маълумотлар шаклланади. Фарқи шундаки, сценарийлар ва қоидалар бўйича шакллантирилган кейслар ўрганилиб ҳақиқатда фрод аниқланса **“Инцидентлар”** бўлимида шаклланади.

4.1.1.6. Лимитлар ва созуламалар

Лимитлар созуламалари бўлими амалиётлар бўйича лимитларни белгилаш имконини беради. Лимитдан ошган тақдирда хабар бериш ёки мижоз амалиётини тўхтатиш ва бошқа чораларни қўллаш мумкин. Ушбу бўлим **24-расм** кўринишида очилади.

4.1.1.7. Қора рўйхат

Қора рўйхатда фирибгарликда тасдиқланган телефон рақамлар, IP манзиллар, хост номлари ва бошқа маълумотлар мавжуд бўлиши мумкин. Бундан ташқари ушбу ойнада қора рўйхатга тушган объект йўналиши, приоритети, унга боғлиқ кейслар сони ва боғлиқ инцидентлар сони шаклланади. Бу манзиллардан келган ҳар қандай сўровлар кейс сифатида шакллантирилади ва текширилади

4.1.1.8. Оқ рўйхат

Сценарийлар ишлаётган жараёнда Оқ рўйхатга киритилган телефон рақамлар, IP манзиллар, хост номлари ҳисобга олинмайди. Ушбу филтрлаш ҳар қандай қоида бўйича ҳар қандай ишлов беришдан олдин амалга оширилади.

4.1.1.9. Рўйхатлар бўйича алоҳида қоидалар

Рўйхатлар бўйича алоҳида қоидалар бўлими 2 та кичик бўлимлардан иборат: Оқ рўйхатни бошқариш ва Қора рўйхатни бошқариш. Ушбу кичик бўлимлар 4.1.1.7 ва 4.1.1.8-бўлимлар билан ўхшаш бўлиб, фарқли томони бу бўлимда оқ ва қора рўйхатлар

бўйича **Ratelimit** ва **Redirect** параметрларини ҳам ўрнатиш мумкин.

4.1.1.10. Тестинг

Тестинг ушбу бўлимда барча янги қўшилган сценарий, лимит, қора ва оқ рўйхат бўйича созламалар дастлаб тест режимида ишга туширилади. Бунда киритилган сценарийга тўғри келган операциялар бўйича маълумотлар шаклланади. Аммо мижозлар ҳақиқатда блокланмайди ва хабар юборилмайди.

Сценарийларни тест режимда ишлатиб қўрилганда сўнг уни амалда тадбиқ этиш ёки бекор қилиш мумкин.

4.1.1.11. Импорт / Экспорт

Импорт / Экспорт бўлими мавжуд маълумотларни дастурга юклаш ёки дастурдаги маълумотларни юклаб олиш вазифасини бажаради. Файлларни юклаш ёки юклаб олиш учун барча файл типлари қўллаб қувватланади(excel, json, xml, csv...).

4.1.1.12. Ҳисоботлар / Аудит

Ҳисоботлар / Аудит Хабарнома, кейс ва инцидентлар ҳамда Визуализация кичик бўлимларидан иборат.

Хабарнома, кейс ва инцидентлар бўлимида сценарийлар, қоидалар ва инцидентлар бўйича аниқланган ҳолатлар рўйхати, статистикаси ва таҳлили акс эттирилади

4.1.1.13. Фойдаланувчи

Фойдаланувчи бўлимида оддий фойдаланувчилар учун уларнинг шахсий маълумотлари, маълумотларни ёки паролни ўзгартириш учун “inputlar” дастур версияси тўғрисидаги маълумотлар шаклланади

Ушбу бўлим Админ учун оддий фойдаланувчи сингари ўзининг маълумотларини шакллантириш ва бошқа фойдаланувчиларни бошқариш имконини беради. Админ ҳар бир фойдаланувчига маълум бир модулни бириктириш ёки олиб ташлаш имкониятига эга бўлади ва янги фойдаланувчи қўшиш фақатгина админ ваколати чегарасида бўлади

4.1.1.14. Тизимлар созламалари

Фraud Мониторинг дастурининг Тизим созламалари саҳифаси сизга сценарийларни созлаш, хабарномаларни мослаштириш, қора рўйхат, оқ рўйхат, тезлик чегараси, қайта йўналтириш, рўйхатларни импорт/экспорт қилиш ва Fraud Мониторинг муваффақиятли ишлаши учун зарур бўлган автоматик рўйхатларни яратиш имконини беради.

4.1.1.15. Ички фирибгарлик

Ички фирибгарликка банк ходимлари томонидан банкнинг бошқа тизимларида амалга оширилган шубҳали амалиётлар бўйича жадвал шакллантирилади.

4.1.2. Чет ахборот тизимлари билан ўзаро ишлашга қўйиладиган талаблар

Ушбу техник топшириқномада “Антифрод мониторинг тизими” билан 10 тагача ахборот тизимлари (real time) интеграция қилиниши назарда тутилган.

- Маҳаллий банк карталарига хизмат кўрсатиш процессинги(Uzcard, Humo)
- Ҳалқаро банк карталарига хизмат кўрсатиш процессинги(Visa, Mastercard, UPI ва бошқалар)

- Автоматлаштирилган банк тизими (ИАБС)
- Мобил иловалар
- CRM
- Call-center
- ва бошқалар

Келгусида зарурат туғилганда ушбу рўйхатни кенгайтириш имконияти мавжуд бўлиши лозим.

Интеграция қилиниши режалаштирилган ташқи тизимларда мижозларнинг идентификацион рақамлари турлича бўлиши мумкин. “Антифрод мониторинг тизими” да мижозларнинг бошқа тизимлардаги маълумотларини уникал ID орқали бирлаштириш талаб этилади.

Тизимда маълумотлар алмашинуви барча форматларни қўллаб-қувватлаши лозим. Масалан:

- json
- xml
- yaml
- toml
- csv
- tsv

4.1.3. Фойдаланувчиларнинг сони ва малакасига қўйиладиган талаблар

№	Рол	Ваколати
1	Бош администратор	- админлик ҳуқуқини бериш; - тизим созиламаларини ўзгартириш; - маъмурият (роллар ва рухсатлар); - тизим параметрларини созилаш; - минимал мосликларни белгилаш; - ташқи манбалар билан ахборот алмашинувини йўлга қўйиш; - ташқи манбаларни созилаш; - Сценарийларни созилаш.
2	Администратор	- тизим созиламаларини ўзгартириш; - маъмурият (роллар ва рухсатлар); - тизим параметрларини созилаш; - минимал мосликларни белгилаш; - ташқи манбалар билан ахборот алмашинувини йўлга қўйиш; - ташқи манбаларни созилаш; - Сценарийларни созилаш.
3	Фойдаланувчи	- Onboarding ечими; - мижоз/контрагентни Pre-screening қилиш; - мижоз/контрагентни screening қилиш; - хавф матрицаси, хавф-хатар иштаҳаси, хавф омиллари, шунингдек, ишга тушириш сценарийларини қўриш,

		мижозни хавф омиллари билан таққослаш; - мижоз профилларига маълумотларни қўлда киритиш; - мижознинг фаолиятини тўхтатиб туриш/тўхтатиш; - Мижоз/мижозлар ҳақида уларнинг профили ҳақида бошқа қуйи тизимларга ҳисобот бериш.
4	Кузатувчи (readonly)	Фойдаланувчи бажарадиган вазифалар ва функцияларни кузатади ҳамда керакли ҳисобот ва маълумотларни шакллантиради.

4.1.4. Вазифаси кўрсаткичлари

АТ иш жараёнида бир вақтнинг ўзида энг камида 10 та ходимнинг ишлашини таъминлаши керак. Тизим онлайн интеграция қилиниши назарда тутилган чет тизимларнинг транзакцияларини амалга ошириш вақтига таъсир этмаслиги лозим.

Қуйида тизимнинг “timing” чегаралар кўрсатилади:

1. Бир саҳифадан бошқа саҳифага ўтиш 0.2-1 сониядан ошмаслиги керак.
2. Тизим катта ҳажмдаги маълумотлар ва кўчирмаларни шакллантириши 5-10 сониядан ошмаслиги керак.

Жуда катта ҳажмдаги маълумотларни тизим интерфейсида юкланиши учун замонавий техникалардан (Pagination, Scroll load в.б.) фойдаланилиши керак.

4.1.5. Ишончилигига қўйиладиган талаблар

Тизимнинг дастурий-аппарат комплекси туну кун, узлуксиз режимда ишлаши керак, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

профилактика ишлари;

маълумотларни қайта тиклаш;

дастурий таъминотнинг версияларини янгилаш ва техник воситаларни ўчиришни талаб қиладиган бошқа ҳолатлар;

Гуруҳлардан бирининг ишдан чиқиши қолган гуруҳларнинг фаолиятини тўхтатишга олиб келмаслиги керак, яъни бир вақтнинг ўзида қолган барча гуруҳларнинг функцияларини бажариш мумкин бўлиши керак.

Барча дастур тизимлари юқори ишончилик режимда ишлаши керак.

Тизимнинг ахборот ресурсининг режалаштирилган ўчирилиши ёки ишдан чиқиши дастурий таъминотнинг ишдан чиқишига олиб келмаслиги керак.

Фойдаланувчилар томонидан амалга оширилган нотўғри ҳаракатлар тизимни фавкулотда вазиятга тушишига олиб келмаслиги керак.

Тизимга кириш ҳуқуқларини аниқ белгилаш орқали техник ходимларнинг хатолари минималлаштириш, шунингдек тизимда амалга оширилган амалиётлар журналга(log файлларда) қайд этиб борилиши лозим.

Лойиҳада сервер ускуналарини сотиб олиш ёки техник хизмат кўрсатиш назарда тутилмаган. Лойиҳани амалга ошириш учун ресурсларни ажратиш, шунингдек, сервер ускуналарини қўллаб-қувватлаш банкнинг ахборот технологиялари департаменти томонидан амалга оширилади.

Электр таъминотининг ишончилигига қўйилган талаблар:

- тизим автоном электр қувватига ўтганлиги тўғрисида амминистраторга хабар бериш функциясига эга бўлиши лозим;
- тизим электр таъминотидаги узилиш 15 дақиқадан ошиб кетган тақдирда операцион тизимни автоматик равишда ўчириш агентлари билан жиҳозланган бўлиши лозим;
- Фаол тармоқ ускуналари узлуксиз қувват манбаи билан таъминланган бўлиши лозим.
- маълумотларни резерв захирага олинишини ўз вақтида тўлиқ бажариш.

Ост-тизимларнинг дастурий таъминотлари ишончлилиги қуйидаги омиллар ҳисобига таъминланади:

- вендор томонидан тақдим этилаётган умумий дастурий таъминотлар ва техник топшириқ доирасида тақдим этилаётган дастурий таъминотнинг ишончлилиги;
- тизим хатоликларини вақтинча четлаб ўтиш(отладка), кидириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.
- келгусида соғламаларни ўзгариш учун ост-тизимлар бўйича маълумотлар ва хатоликларни қайд этиб бориш.

Тизимнинг ишончлилиги қуйидагилар билан таъминланади:

- тизимнинг барқарорлигини бузадиган ёки бошқа носозликлар юз берган ҳолатларда тизимдаги маълумотларни сақлашга имкон берадиган дастурий таъминот жорий этиш;
- носозликларга чидамли ускуналарни ва унинг таркибий захирасини танлаш;
- маълумотлар базаси серверлари, дастур серверлари, тармоқнинг таркибий қисмлари, қуйи тизимлардаги уланишларни таъминлайдиган ускуналар, шунингдек, ҳар бир қуйи тизим фойдаланувчиларининг маълумотлар базаси серверлари билан алоқасини ўз ичига олган энг муҳим тизим тугунларини яхшироқ захиралаш;
- узлуксиз қувват манбаларидан фойдаланиш;
- ахборот оқимларини йўналтириш имкониятини таъминлайдиган телекоммуникация ва локал компьютер тармоқлари топологиясини танлаш;
- юқори малакали ходимлар ҳамда ишни тўғри ташкил этиш;
- замонавий диагностика усуллари ҳамда воситаларидан фойдаланган ҳолда техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш;
- фақат лицензияга эга дастурий таъминотлардан фойдаланиш;
- барча ост-тизимлар модулларини синовдан ўтказиш;
- барча ост-тизимлар модулларининг ишончли ишлашини таъминлайдиган техник ҳужжатларнинг тўлиқ тўпламлари мавжудлиги;
- антифрод мониторинг тизими билан субъектнинг биргаликда ишловчи бошқа ахборот тизимларида сақланадиган маълумотлари ўзаро таъсир оқибатида йўқ қилинишига, бузилишига ёки йўқолишига ост-тизим модуллари фаолияти орқали амалга оширилади.
- тизимнинг дастурий қурилма комплекслари носозликлар содир бўлганда тизим қайта тикланиш хусусиятига эга бўлиши лозим.

4.1.6. Хавфсизлигига қўйиладиган талаблар

Хавфсизликнинг зарур даражаси банк томонидан вендор ва дастурчилар тавсия этган ускуналарни ишлатиш ва техник хизмат кўрсатиш қоидаларига қатъий риоя қилиш орқали таъминланиши керак.

Фойдаланувчи тизимга кириши учун хар доим авторизациядан ўтиш шарт. Фойдаланувчи учун логин ва парол админ томонидан яратилади ва биринчи марта тизимга киришга уриниш бўлганда фойдаланувчига паролни алмаштириш учун ойна чиқарилади ва фойдаланувчи ўзининг паролини киритади. Тизимга киришда нотўғри парол киритишлар сони чекланган бўлади. Агарда фойдаланувчи 3 мартадан ошиқ паролни нотўғри киритса akkaунтига блок берилади.

Фойдаланувчи тизимга киргандан сўнг 30 дақиқа давомида ҳеч қандай амалиёт бажарилмаса автоматик равишда уни тизимдан чиқариб юборади.

Сервер ва фойдаланувчи ўртасида маълумотлар алмашинуви локал тармоқда амалга оширилади.

Тизимда маълумот киритиладиган хар бир майдон (input) ўзининг дата типига эга бўлади ва майдонга ўша типдан бошқа типдаги маълумотлар қабул қилинмайди. Нотўғри типдаги маълумот киритилганда фойдаланувчига “flash message” қайтарилади.

Тизимни ўрнатиш ва созлаш, шунингдек уни банкнинг техник хизмат кўрсатиш ходимларининг электр токи, электромагнит майдонлар, акустик шовқин, тебраниш ва ҳоказоларнинг хавфли кўрсаткичлари орқали таъсир қилиши билан боғлиқ бўлмаслиги керак. Бунда, ходимларнинг умумий хавфсизлиги банк томонидан таъминланади.

Техник воситалар давлат стандарти талабларига мувофиқ хизмат кўрсатувчи ходимларни электр токи уришидан ҳимоя қилишни таъминлаши лозим.

Тизимнинг энергия билан таъминланган техник воситаларининг барча ташқи элементлари(кабеллар) тасодифий тегинишдан ҳимояга эга бўлиши керак ва техник воситаларнинг ўзи ўрнатилган стандартларга мувофиқ ўрнатилган бўлиши лозим;

Комплекснинг техник воситалари жойлашган биноларнинг хавфсизлиги тегишли ишчи гуруҳ томонидан таъминланиши лозим, улар умуман тизимнинг ишлаши учун ҳам, ушбу техник спецификацияни амалга ошириш учун ҳам жавобгардир ва бу ишчи гуруҳ банк томонидан таъминланади.

Тизим рўйхатдан ўтмаган фойдаланувчилар томонидан маълумот олинишидан ҳимояланган бўлиши лозим. Шунингдек тизимдан фойдаланувчилар ҳамда администратор ҳуқуқи доирасида тўғри тақсимланган бўлмоғи керак. Фойдаланувчига интерфейсининг муайян бўлимига кириш ҳуқуқини бериш ҳамда тизимни бошқариш ўрнатилган тартибда амалга ошириш назарда тутилган бўлиши лозим.

Хавфсизликга талаблар

Тизим барча фавкулодда вазиятларда ахборот хавфсизлигини таъминлаши керак.

Тизимдаги фавкулодда вазият билан тавсифланадиган ҳолат сифатида қуйидагилар тушунилиши керак:

- Функционал вазифаларни тўлиқ ёки қисман тугатиш;
- Тизимнинг ёки унинг асосий қисмларини нормал ишлаш тартиби;
- Ахборот узатишнинг тўлиқлиги ва аниқлигининг бузилишига олиб келган ваколатнинг тасдиқланмаганлиги;
- Сўралаётган ахборотдан фойдаланувчилар томонидан кечиктириб олинганлиги ва унинг етарли эмаслиги;

- Ахборотни тўлиқ ёки қисман йўқотиш;
- Тизимга ноқонуний кириш, ахборотларни қасддан бузиш ёки йўқ қилиш.
- Тизимда пластик карта маълумотлари хақида маълумотларни қўлланилгани сабабли PCI DSS^4.0 версиясида криптографик талаблар доирасида химояланганлиги таъминланиши зарур.

Турли ходисалар туфайли маълумотлар зарар кўрган тақдирда, маълумотлар буютмачи томонидан тақдим қилинган захира нусхасидан тикланиши лозим.

Маълумотларни тиклаш қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- Фойдаланувчи топшириқларини бажариш вақтида авария ёки қобилиятсиз бўлган тақдирда маълумотлар базаси охириги тугалланган битим вақтида қайта тикланиши керак.

4.1.7. Эргономика ва техник эстетикага қўйиладиган талаблар

Интерфейс биргина «сичқонча» туридаги манипулятордан фойдаланишга мўлжалланмаган бўлиши лозим, яъни бошқарув экран менюларини, тугмалар, белгилар ва шу каби элементлар тўплами ёрдамида амалга оширилиши керак ва “Горячий клавиш” лардан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлмоғи лозим.

Тизиим интерфейси фойдаланувчи учун қулай ва тушунарли бўлиши керак.

Компютер замонавий эргономика ва замонавий дизайнда ишлаб чиқилган барча функциялар билан ишлаш учун қулай ва аниқ интерфейсни таъминлаши керак:

- экран шакллари ва менюлари содда ва тушунарли бўлиши керак, меню элементлари функционал вазифалар ва маълумотлар турига кўра гуруҳланган бўлиши керак, ҳар бир меню элементи фақат битта бажарилган функцияга мос келиши керак;
- экран шаклларининг дизайни стандарт бўлиши керак ва агар стандарт шакл билан муаммони ҳал қилишнинг иложи бўлмаса форма шаклини ўзгартириш имкони мавжуд бўлиши керак;
- агар фойдаланувчи ҳаракатларида хатолар бўлса, хато сабабларини ифодалаш учун етарли маълумотни ўз ичига олган хабар берилиши керак.
- эргономик ечимлар тизимнинг барча компонентлари ва модуллари учун бир хил бўлиши керак;
- фойдаланувчи интерфейси уларнинг тасодифий нотўғри ҳаракатлар қилиш эҳтимолини камайтиришга ёрдам бериши керак;
- интерфейс одатдаги ва тез-тез ишлатиладиган дастур операцияларини бажариш учун оптималлаштирилган бўлиши керак.
- компьютер интерфейси экранда фойдаланувчи ролига тегишли бўлган функциялар кўрсатилишини таъминлаши керак;
- Тизим муҳим операциялар бажариш учун тасдиқ талаб қилиши керак. Фойдаланувчи интерфейси информаион хатоларнинг информатив тавсифига эга бўлиши керак. Тизим фойдаланувчи майдон қийматларини киритганда мониторинг қилиш учун ўрнатилган қулай механизмларни тақдим этиши керак:

4.1.8. Патент ва лицензияга қўйиладиган талаблар

Тизим патент тўғрисидаги амалдаги қонунчилик ҳамда тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Вендор тадбиқ этилаётган тизимнинг патент ҳукукини тасдиқловчи лицензия келишуви ёки лицензияни сотиб олиш шартномасини далил сифатида тақдим этиши

шарт.

Лицензия чекланмаган бўлиши лозим. Агар чекланган бўлса уни чекланмаганга ўзгартириш имконияти мавжуд бўлиши керак ва чекланмаган лицензиянинг нахри дастлабки лицензия нархидан 130% дан ошмаслиги лозим.

4.1.9. Стандартлаштириш ва бир хиллаштириш бўйича талаблар

Тизимни ишга туширишда унификация қилиш тамойилларига риоя этиш керак.

Тизимга юкланган, юклаб олинган ва қайта ишланган маълумотлар бир хиллик, изчиллик, ягона киритилиши, тўлиқлик ва ишонччилик тамойилига асосланган бўлиши лозим.

Барча жараёнлар TCP/IP инфраструктурасида ишлаши керак;

Мижоз қурилмаларининг тизимнинг сервер қисми билан ўзаро алоқаси стандарт алмашинув протоколларига мувофиқ RFC ҳужжатлари билан белгиланган TCP/IP муҳитида амалга оширилиши керак.

Тизим дастурий таъминот тақдим этган функцияларини (вазифалари) амалга ошириш учун стандарт, унификация қилинган усуллардан фойдаланишнинг зарур даражасини белгиловчи қуйидаги кўрсаткичларга мос келиши керак:

- Маълумотларни тарқатишда CSV, DOC, XLS, PDF электрон ҳужжат форматларини қўллаб-қувватлаши лозим;
- Алоҳида дастурдан фойдаланмасдан маълумотларни HTML форматига ўгириш имконияти мавжуд бўлиши керак;

4.2. Антифрод мониторинг тизими бажарадиган функцияларга(вазифаларга) қўйиладиган талаблар

4.2.1. Авторизация

4.2.1.1. Кириш

Дастурга фойдаланувчи (банк ходимлари) томонидан яратилган логин ва парол орқали кирилади. Фойдаланувчи дастурга биринчи марта кираётган бўлса, Рўйхатдан ўтиш тугмаси босилади ва фойдаланувчининг маълумотлари киритилади.

Фойдаланувчи учун аккаунт админ орқали яратилади. Янги фойдаланувчи киритиш учун қуйидаги форма тўлдирилади.(1-расм)

1-расм

Username
Parol
Parol yana bir marta
Familiya
Ism
Otasining ismi
PINFL
Bioverifikatsiya
Telefon raqam
Foydalanuvchi yararish

Техник талаблар

1. Фойдаланувчи номи (Login namuna: I.Aliyev) киритиладиган майдонга энг кўпи билан 50 тагача “Лотин” алифбосидаги ҳарфлар киритилади. Рақамлар киритиш ва бошқа махсус белгилар мумкин эмас.
2. Парол- камида битта бош ҳарфдан иборат бўлиши керак. Парол сонлар, ҳарфлар ва белгилардан (/,*,-,+) иборат бўлиши керак. Камида 8 та белгидан иборат бўлиши керак. Ушбу шартларнинг хоҳлаган биттаси бажарилмаган тақдирда, бошқа парол ўрнатиш бўйича тавсия матни пайдо бўлиши керак. Намуна парол: Asd123*-
3. Антифрод мониторинг тизими маълумотлар базасида пароллар хешланган (SHA1, SHA256) ҳолда сақланиши лозим;
4. Пароллар сиёсатини глобал созлаш ишлари амалга ошириш имкони мавжуд бўлиши лозим;

5. Фамилия - энг кўпи билан 50 тагача “Лотин” алифбосидаги ҳарфлар киритилади. Рақамлар киритишнинг имкони бўлмаслиги керак.
6. Исм - энг кўпи билан 50 тагача “Лотин” алифбосидаги ҳарфлар киритилади. Рақамлар ва бошқа махсус белгилар киритишнинг имкони бўлмаслиги керак.
7. Отасининг исми - энг кўпи билан 50 тагача “Лотин” алифбосидаги ҳарфлар киритилади. Рақамлар киритишнинг имкони бўлмаслиги керак.
8. ПИНФЛ – 14 та рақам киритилиши керак. 14 тадан кўп ёки кам рақамлар киритишнинг имкони бўлмаслиги керак. Рақамлардан бошқа белгилар (ҳарфлар, махсус белгилар, пробел ваҳаказо) киритишнинг имкони бўлмаслиги керак.
9. Биоверификация жараёни ONEID тизими орқали маълумотларни IABS тизими билан солиштириш имкониятини яратиш ёки кейинчалик ушбу хизматдан ходимларни ваколатига кўра роллар қўшилишини назарда тутиш лозим.

Телефон рақам – фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиладиган рақамлар киритилади(кейинги босқичларда 2-томонлама аутентификация назарда тутилган). Бошқа рақамлар киритишнинг имкони бўлмаслиги керак
 Фойдаланувчи куйидаги формани тўлдирган ҳолда дастурга киради (2-расм)

2-расм

Foydalanuvchi nomi
Parol
Kirish

Фойдаланувчи дастурга кирган вақтни ўзидаёқ паролни янгиллаши зарур ва ҳар 1 ойда паролни янгиллаши мажбурий. Агар фойдаланувчи логин ёки паролни унутганда админга мурожат қилади ва улар орқали парол қайта тикланади.

4.2.1.2. Паролни алмаштириши

3-расм

Eski parolni kiriting
Yangi parolni kiriting
Yangi parolni qayta kiriting
Parolni qayta tiklash

Техник талаблар

1. Фойдаланувчи номи (Login) киритиладиган майдонга энг кўпи билан 50 тагача “Лотин” алифбосидаги ҳарфлар киритилади. Рақамлар киритиш мумкин эмас.
2. Парол- камида битта бош ҳарфдан иборат бўлиши керак. Парол сонлар, ҳарфлар ва белгилардан (/,*,-,+) иборат бўлиши керак. Камида 8 та белгидан иборат бўлиши керак. Ушбу шартларнинг хоҳлаган биттаси бажарилмаган тақдирда, бошқа парол ўрнатиш бўйича тавсия матни пайдо бўлиши керак.
Намуна парол: Asd123*-
3. Антифрод мониторинг тизими маълумотлар базасида пароллар хешланган (SHA1, SHA256) ҳолда сақланиши лозим;
4. Пароллар сиёсатини глобал созлаш ишлари амалга ошириш имкони мавжуд бўлиши лозим;

4.2.2. Сценарий ва қоидалар

4.2.2.1. Сценарийлар

Сценарийлар ойнасига кирилганда экран **13-расм** кўринишида очилади.

Ушбу ойнада мавжуд сценарийлар рўйхати шаклланади. Сценарийлар рўйхати қуйидаги маълумотлардан иборат бўлади:

- Сценарийлар тузилиши (кетма-кетлик, формула);
- Сценарийларнинг қайси соҳага мансублиги;
- Приоритет (муҳимлик даражаси);
- Кейслар (яратилган сценарий ва қоидаларга тушадиган ҳолатлар);
- Инцидентлар (кейслар ўрганилиб ҳақиқатда фирибгарлик ҳолати аниқланган ҳолатлар).

Аниқланган кейслар ходим томонидан ўрганилиб **Инцидент** ҳолатига ўтказилади. (Кейслар ва Инцидентлар бўлимларига қаранг)

Юқори қисмда “Филтр” ойнаси мавжуд бўлиб, сценарийларни IDси, Соҳаси, Даври, Кейслар, Инцидентлар ва Приоритетидан келиб чиқиб чақириб олиш мумкин.

Рўйхатнинг юқори қисмида янги сценарийлар киритиш учун “Қўшиш”, киритилган сценарийларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш учун “Алмаштириш”, мавжуд сценарийларни рўйхатдан чиқариш учун “Ўчириш” ва асосий менюга қайтиш учун “Чиқиш” ойналари мавжуд.

Транзакцияларни текшириш даврида мижознинг IP манзили, қурилманинг идентификация рақами, транзакция тури, мижознинг рўйхатдан ўтган ёки қайта рўйхатдан ўтган вақтлари инобатга олиниши зарур.

IP манзиллар қора рўйхати шакллантириш жараёнида рўйхат турини кўрсатиш имкони мавжуд бўлиши (Анонимайзер, Ботнет, ва х.к)

Тизимда шубҳали амалиётларни аниқлаш учун яратилган янги қоида орқали шу кунгача бўлган амалиётлар орасидан ҳам текшириш имконини яратиш.

Техник талаблар

1. Филтрда “Давр” майдончасига маълумотлар КК.ОО.ЙЙЙ СС:ММ (ДД.ММ.ГГГГ ЧЧ:ММ) форматда киритилиши керак. Намуна: 12.01.2023 22:15
2. “Кейслар” майдончасига маълумотлар фақат рақам кўринишида киритилади.
3. “ID” майдончасига маълумот фақат рақам кўринишида киритилади.
4. Соҳа майдончасига маълумотлар қуйидаги соҳалардан бири танланган ҳолда

киритилади:

- ЖШлар учун мобил илова;
- ЖШлар учун интернет банкинг;
- ЮШлар учун мобил илова;
- ЮШлар учун интернет банкинг;
- ЮШлар учун "Банк-Мижоз" дастури;
- Uzcard;
- Humo;
- Way4;
- iABS: ЖШ омонат;
- iABS: ЖШ ХПЎ;
- iABS: ЖШ ВАШ.

5. Инцидентлар майдончасига маълумотлар фақат рақамлар кўринишида киритилади. Ушбу сон маълум давр оралиғида аниқланган инцидентлар миқдорини англатади.

6. Приоритет майдончасига фақат рақамлар кўринишида киритилади.

7. Янги сценарий яратиш учун Қўшиш тугмаси босилганда автоматик тарзда **Тизим созуламалари** бўлимининг Сценарийлар кичик бўлими **13.1-расм** кўринишида очилиши керак.

8. Реал дастурда ишга туширилган сценарийлар ўчиб кетмаслиги керак.

9. Мавжуд сценарийга ўзгартириш киритиш учун сценарий танланиб Алмаштириш тугмаси босилганда, эски сценарий “кулранг рангда” ёниши керак ва автоматик тарзда “неактив” ҳолатга ўтади. Ўзгартириш киритилган сценарий янги сценарий сифатида пайдо бўлиши керак.

10. Янги қўшилган сценарийни Тест режимда ишга тушириш ёки тўғридан-тўғри реал вақтда ишга тушириш бўйича ойнада сўровнома пайдо бўлади. Ушбу сўровномадан бири танлангандан сўнг яна бир марта танланган режим бўйича тасдиқнома сўралиши керак. ОК тугмаси босилгандан сўнг сценарий ишга тушиши керак.

11. Реал вақтда ишга туширилган сценарийни бутунлай ўчириб юбориш икони янги мавжуд бўлмаслиги керак. Сценарий танланиб “Ўчириш” тугмаси босилса, сценарий кулранг рангда” ёниши керак ва автоматик тарзда “неактив” ҳолатга ўтади.

13-расм

1. СЦЕНАРИЙ ВА ҚОИДАЛАР		1.1. СЦЕНАРИЙЛАР		Қўшиш	Алмаштириш	Ўчириш	Чиқиш
-------------------------	--	------------------	--	-------	------------	--------	-------

Филтр	Давр:	21.02.2022 23:29	дан	02.02.2023 10:00	гача		
	Кейслар	1500	дан	3800	гача	Инцидентлар	25 дан 854 гача
	ID	2	Соҳа				
						Приоритет	25 дан 854 гача

☐	ID	Сценарий тузилиши (кетма-кетлик, формула)	Соҳа	Приоритет	Кейслар	Инцидентлар
☒	1	a) OPER_SEC<=5.0; b) OPER_SUM>=100000000.0; c) CUST_DOB=2007/12/31	ЖШлар учун мобил и	1.3	1757	392
☒	2	a) OPER_SEC<=5.0; b) OPER_SUM>=100000000.0; c) CUST_DOB=2007/12/31	ЮШлар учун мобил и	1.2	1248	25
☒	3	a) OPER_SEC<=5.0; b) OPER_SUM>=100000000.0; c) CUST_DOB=2007/12/31	iABS: ЖШ ВАО	1.1	1211	854
☒	4	a) OPER_SEC<=5.0; b) OPER_SUM>=100000000.0; c) CUST_DOB=2007/12/31	iABS: ЖШ омонат	1.0	1325	10

13.1-расм

ЖШлар учун мобил илова	ЖШлар учун интернет банкинг	ЮШлар учун мобил илова	Юшлар учун интернет банкинг	ЮШлар учун "Банк-Мижоз" дастури	1-ойна
Uzcard	Humo	Way4	iABS: ЖШ омонат	iABS: ЖШ ХПЎ	
iABS: ЖШ ВАО					

ЖШлар учун мобил илова

Ўчириш	Таҳрирлаш	Кейинги	Чиқиш
--------	-----------	---------	-------

1. СЦЕНАРИЙ ВА ҚОИДАЛАР		1.2. ҚОИДАЛАР	
-------------------------	--	---------------	--

Фильтр	Давр:	21.02.2022 23:29 дан	02.02.2023 10:00 гача	ОК
Нукта тури		Чегара		30% дан 4000 гача
Чегара		30% дан 4000 гача	Пункт миқдори	250 дан 500 гача
Қўшиш		Алмаштириш		Ўчириш

Нукта тури / Point Type	Чегара	Пункт миқдори	Ўхшашлик чегараси	Киритилган сана ва вақт
Динамик	30%		>130	02.02.2023 9:36
Статик	4000	250		02.02.2023 9:36

Фильтр	Нукта тури		Ўхшашлик миқдори	30% дан 4000 гача
ОК		Қайта йўналтирилаётган манзил		
		30% дан 4000 гача		
Қўшиш		Алмаштириш		Ўчириш

Тури	Ўхшашлик миқдори	Қайта йўналтирилаётган манзил		
host-дан	100%	172.1.10.25	host-дан	172.1.10.25
телефон рақами - дан	50%	+998901234567	телефон рақами - дан	+998901234567
host-дан	70%	172.2.15.15	host-дан	172.2.15.15
телефон рақами - дан	80%	+74951234567	телефон рақами - дан	+74951234567

4.2.2.2. Қоидалар

Қоидалар ойнасига кирилганда экран **14-расм** кўринишида очилади. Ушбу бўлимда Ratelimit ва Redirect бўйича умумий қоидалар шаклланади.

Ratelimit трафик оқимиға қўйилган чегара ҳисобланади. Трафик оқим турлари 2 хил Статик ва Динамик оқимларға бўлинади. Динамик чегараси фоизда, статик тўлқин чегараси маълум аниқ сонда берилади.

Ушбу бўлимнинг юқори қисмида “Фильтр” мавжуд бўлиб, Қоидаларни нукта тури, аниқланган даври, чегараси ва пункт миқдори бўйича ажратиб олиш имконияти мавжуд.

Шунингдек, ойнанинг пастки қисмида Redirect бўйича шубхали IP адреслар ва телефон рақамларға қўйилган умумий қоидалар шаклланади. Ушбу жадвалда амалиёт тури, ўхшашлик миқдори ва IP адрес ёки телефон рақамлар бўйича маълумотлар акс этади.

Амалиёт тури 4 та қисмдан иборат: ҳостдан, ҳостга, телефон рақамдан, телефон рақамга.

Техник талаблар

1. Ratelimit бўйича “Фильтр”да:
 - “Давр” - КК.ОО.ЙЙЙЙ СС:ММ (ДД.ММ.ГТТГ ЧЧ:ММ) форматда киритилиши керак. Намуна: 12.01.2023 22:15;
 - “Нукта тури” – Динамик ва Статикдан бири танланади;
 - “Чегара” – агар Динамик оқим тури бўйича чегара танланаётган бўлса, % ларда киритилиши керак;
 - “Чегара” – агар Статик оқим тури бўйича чегара танланаётган бўлса, рақамларда киритилиши керак;
 - “Пункт миқдори” – рақамларда киритилади;
☒	3	a) OPER_SEC<=5.0; b) OPER_SUM>=100000000.0; c) CUST_DOB=2007/12/31		iABS: ЖШ BAO	1.1	...
☒	4	a) OPER_SEC<=5.0; b) OPER_SUM>=100000000.0; c) CUST_DOB=2007/12/31		iABS: ЖШ омонат	1.0	...

Рўйхатнинг юқори қисмида янги сценарийлар киритиш учун “Қўшиш”, киритилган сценарийларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш учун “Алмаштириш”, мавжуд сценарийларни рўйхатдан чиқариш учун “Ўчириш” ва асосий менюга қайтиш учун “Чиқиш” ойналари мавжуд.

“Қўшиш” ойнасига кирилганда соҳалар рўйхати 34-расм кўринишида шаклланади.

34-расм

ЖШлар учун мобил илова	ЖШлар учун интернет банкинг	ЮШлар учун мобил илова	Юшлар учун интернет банкинг	ЮШлар учун "Банк-Мижоз" дастури	1-ойна
Uzcard	Humo	Way4	iABS: ЖШ омонат	iABS: ЖШ ХПЎ	iABS: ЖШ ВАО

Курсор ҳар бир соҳа устига олиб борилганда “кўк” рангда ёнади ва рўйхатнинг пастки қисмида шу соҳа бўйича созламалар пайдо бўлади. (35-расм)

35-расм

ЖШлар учун мобил илова	ЖШлар учун интернет банкинг	ЮШлар учун мобил илова	Юшлар учун интернет банкинг	ЮШлар учун "Банк-Мижоз" дастури	1-ойна
Uzcard	Humo	Way4	iABS: ЖШ омонат	iABS: ЖШ ХПЎ	
ЖШлар учун мобил илова					
Ўчириш	Таҳрирлаш	Кейинги	Чиқиш		

Керакли соҳа танланиб Курсор 2 марта босилиб кирилганда қуйидаги сценарийлар яратиш майдони ҳосил бўлади. (36-расм)

36-расм

ЖШлар учун мобил илова				
Сценарий сони: 40 та				
№	Сценарий тузилиши (кетма-кетлик, формула)	Соҳа	Приоритет	Прот.
1	a) OPER_SEC<=5.0; b) OPER_SUM>=100000000.0; c) CUST_DOB=2007/12/31	ЖШлар учун мобил и	1.3	...
2	a) OPER_SEC<=5.0; b) OPER_SUM>=100000000.0; c) CUST_DOB=2007/12/31	ЮШлар учун мобил и	1.2	...
3	a) OPER_SEC<=5.0; b) OPER_SUM>=100000000.0; c) CUST_DOB=2007/12/31	iABS: ЖШ ВАО	1.1	...
4	a) OPER_SEC<=5.0; b) OPER_SUM>=100000000.0; c) CUST_DOB=2007/12/31	iABS: ЖШ омонат	1.0	...
CUST_UID; CUST_DOB; CUST_POB; CUST_MOB_ID; CUST_HOST; CUST_PHNUM; CUST_UNIQUE; CUST_COUNTRY; ACC_NUMB; ACC_DATE; OPER_SEC; OPER_MIN; OPER_QUANT; FROM_HOST_NAME;				
CUST_DOB<=2007/12/31; CUST_POB; FROM_HOST_NAME=172.25%		Format yyyy/mm/dd		
Ҳаракат категорияси:	5-Блок+хабар+мижозга хабар			
Ўчириш	Таҳрирлаш	Сақлаш		

Ушбу ойнанинг юқори қисмида мавжуд амалдаги сценарийлар рўйхати шаклланади.

(37-расм)

37-расм

Сценарий сони: 40 та				
№	Сценарий тузилиши (кетма-кетлик, формула)	Соҳа	Приоритет	Прот.
1	a) OPER_SEC<=5.0; b) OPER_SUM>=100000000.0; c) CUST_DOB=2007/12/31	ЖШлар учун мобил и	1.3	...
2	a) OPER_SEC<=5.0; b) OPER_SUM>=100000000.0; c) CUST_DOB=2007/12/31	ЮШлар учун мобил и	1.2	...
3	a) OPER_SEC<=5.0; b) OPER_SUM>=100000000.0; c) CUST_DOB=2007/12/31	iABS: ЖШ BAO	1.1	...
4	a) OPER_SEC<=5.0; b) OPER_SUM>=100000000.0; c) CUST_DOB=2007/12/31	iABS: ЖШ омонат	1.0	...

Майдоннинг ўрта қисмида киритиладиган кўрсаткичларнинг рўйхати мавжуд бўлади.

(38-расм)

38-расм

CUST_UID; CUST_DOB; CUST_POB; CUST_MOB_ID; CUST_HOST; CUST_PHNUM; CUST_UNIQUE; CUST_COUNTRY; ACC_NUMB; ACC_DATE; OPER_SEC; OPER_MIN; OPER_QUANT; FROM_HOST_NAME;	
CUST_DOB<=2007/12/31; CUST_POB; FROM_HOST_NAME=172.25%	Format yyyy/mm/dd

Ушбу рўйхатдан бирма-бир керакли кўрсаткичлар танланиб пастки ойнага ташланади ва ҳар бир кўрсаткичга қиймат киритилади. Қиймат ўнг томондаги “Format” ойнасига киритилади. Ҳар битта кўрсаткич учун ўзининг форматидан келиб чиқиб қиймат киритилади. Масалан: сана, фоиз, матн ва ҳ.к.з.

Ҳаракат категорияси:	5-Блок+хабар+мижозга хабар	
Ўчириш	Таҳрирлаш	Сақлаш

Ҳар бир киритилган сценарийларнинг ўз ҳаракат категорияси мавжуд бўлиб, унда сценарийга тўғри келадиган амалиёт аниқланганда миқдор ва ходимларга хабар юбориш усуллари белгиланади. Ҳаракат категорияси 5 қисмдан иборат бўлиб улар қуйидагилар:

1. Хабар
2. Хабар +ҳисоб
3. Хабар+лимитдан ошиш
4. Блок+хабар

5. Блок+хабар+мижозга хабар

4.2.14.3. Қоидалар Хусусиятлари

Қоидалар Хусусиятлари ойнасига кирилганда қуйидаги (39-расм) кўринишда ойна очилади:

39-расм

13.2. ҚОИДАЛАР ХУСУСИЯТЛАРИ		13.2.1 ҚОИДАЛАР РЎЙХАТИ		Чиқиш	
				Тест	Сақлаш

Қўшиш	Таҳрирлаш	Ўчириш															
<table border="1"> <thead> <tr> <th>Нуқта тури / Point Type</th> <th>Чегара</th> <th>Пункт миқдори</th> <th>Ўхшашлик чегараси</th> <th>Киритилган сана ва вақт</th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td>Динамик</td> <td></td> <td>30%</td> <td>>130</td> <td>02.02.2023 9:36</td> </tr> <tr> <td>Статик</td> <td></td> <td>4000</td> <td>250</td> <td>02.02.2023 9:36</td> </tr> </tbody> </table>			Нуқта тури / Point Type	Чегара	Пункт миқдори	Ўхшашлик чегараси	Киритилган сана ва вақт	Динамик		30%	>130	02.02.2023 9:36	Статик		4000	250	02.02.2023 9:36
Нуқта тури / Point Type	Чегара	Пункт миқдори	Ўхшашлик чегараси	Киритилган сана ва вақт													
Динамик		30%	>130	02.02.2023 9:36													
Статик		4000	250	02.02.2023 9:36													

Қоидалар филтрлари			Қоидалар улушлари	1-ойна
Қўшиш	Таҳрирлаш	Ўчириш	Қоидалар улушлари Улуш: 1.00	
Тури	Ўхшашлик миқдори	Қайта йўналтирилаётган манзил	Тест	
			Сақлаш	

Юқоридаги расмда Траффик тўлқинларига қўйилган созламалар акс эттирилган. Траффик тўлқинлари созламалари траффик турлари бўйича чегара, пункт миқдори ва ўхшашлик чегараси ўрнатилади. Ҳар бир параметр панелида **Қўшиш**, **Таҳрирлаш** ва **Ўчириш** тугмалари мавжуд бўлиб, қоидаларни созлаш учун фойдаланишингиз мумкин.

Ҳар бир қоидага улуш берилади. Стандарт 1.00. Қоида улуши баъзи қоидаларни бошқаларга қараганда муҳимроқ қилиб белгилаш учун ишлатилиши мумкин.

Ҳар битта сценарийларга кўрсаткичлар киритилгандан сўнг тест режимида ишлатиб кўриш имконияти мавжуд бўлиб, тест муддати тугагандан сўнг сценарийни сақлаш, ўзгартириш киритиш ёки бекор қилиш имконияти мавжуд.

Сценарийни тўғридан-тўғри ишга тушириш зарурати пайдо бўлганда параметрлар созлангандан сўнг **“Сақлаш”** тугмаси босилади. Экранда сценарийни **тўғридан-тўғри ишга тушираётганлиги** бўйича **огоҳлантирувчи матн** ва тасдиқлаш тугмаси пайдо бўлади. Тасдиқлаш тугмаси босилгандан сўнг сценарий ишга тушади.

4.2.14.4. Қора Рўйхат Хусусиятлари

Қора Рўйхат Хусусиятлари Қора рўйхатда фирибгарликда тасдиқланган телефон рақамлар, IP манзиллар ва хост номлари мавжуд бўлади. Созламалар менюсида мавжуд маълумотлар учун Қора рўйхат функциясини ёкишингиз ва ўчириб қўйишингиз мумкин. **Қора Рўйхат Хусусиятлари** ойнаси қуйидаги кўринишда акс этади.(40-расм)

40-расм

13. ТИЗИМ СОЗЛАМАЛАРИ	13.3. ҚОРА РЎЙХАТ ХУСУСИЯТЛАРИ	Тест	Чиқиш	
		Сақлаш		

IP address	Hostname	Phone Number	...	
172.25.25*	chupacabra	+998901251251	...	+ -

4.2.14.5. Оқ Рўйхат Хусусиятлари

Оқ Рўйхат Хусусиятлари ойнасига кирилганда телефон рақамлар, IP манзиллар ва хост номлари бўйича мижозлар рўйхати шаклланади. Ушбу рўйхатга қўшимча маълумотлар қўшиш, ўзгартириш ва ўчириш имкони мавжуд. (41-расм)

41-расм

13. ТИЗИМ СОЗЛАМАЛАРИ	13.4. ОҚ РЎЙХАТ ХУСУСИЯТЛАРИ	Тест	Чиқиш	
		Сақлаш		

IP address	Hostname	Phone Number	...	
172.25.25.43	chupacabra	+998901251251	...	+ -

Сценарийлар ишлаётган жараёнда Оқ рўйхатга киритилган телефон рақамлар, IP манзиллар, хост номлари ҳисобга олинмайди. Ушбу филтрлаш ҳар қандай қоида бўйича ҳар қандай ишлов беришдан олдин амалга оширилади

4.2.14.6. Ratelimit ва Redirect созуламалари

4.2.14.6.1. Ratelimit хусусиятлари

Ratelimit (Тарифни чеклаш) - бу тармоқ трафигини чеклаш стратегияси ҳисобланади. Бу кимдир маълум вақт оралиғида ҳаракатни қанчалик тез-тез такрорлаши мумкинлигига чек қўяди - масалан, ҳисобга киришга уриниш. Тарифни чеклаш маълум турдаги зарарли бот фаолиятини тўхтатишга ёрдам беради. **Ratelimit** кўпинча зарарли ботларнинг веб-сайт ёки иловага салбий таъсир кўрсатишини тўхтатиш учун қўлланилади.

Одатда тарифни чеклаш сўровлар келиб тушган IP манзилларини кузатишга ва ҳар бир сўров ўртасида қанча вақт ўтишини кузатишга асосланади. IP-манзил илова ким ёки нима сўров юбораётганини аниқлашнинг асосий усули ҳисобланади.

Тарифни чекловчи ечим ҳар бир IP-манзилдан ҳар бир сўров ўртасидаги вақт миқдорини ўлчайди, шунингдек, белгиланган вақт оралиғидаги сўровлар сонини ўлчайди. Белгиланган вақт оралиғида битта IP-дан жуда кўп сўровлар бўлса, тезликни чекловчи ечим маълум вақт давомида IP-манзил сўровларини бажармайди.

Агар фойдаланувчилар қисқа вақт ичида жуда кўп марта тизимга киришга уринсалар, уларни akkaунтдан блокировка қилиш мумкин.

Бу эҳтиёт чораси паролларини унутган фойдаланувчилар учун эмас, балки бот тўғриси топиш ва akkaунтни бузиш учун минглаб турли паролларни синаб кўрадиган кучлар ҳужумларини блоклаш учун фойдаланилади.

Ratelimit сизга махсус ёзувларни қўшиш имконини беради. Сиз телефон рақамлари, IP манзиллари, фойдаланувчи номлари ва SIP фойдаланувчи агентларини қўшишингиз мумкин.

42-расм

13.5. RATELIMIT ХУСУСИЯТЛАРИ	13.5. RATELIMIT ЛАРНИ БОШҚАРИШ	13.5. REDIRECT ХУСУСИЯТЛАРИ	13.5. REDIRECT ЛАРНИ БОШҚАРИШ
-------------------------------------	---------------------------------------	------------------------------------	--------------------------------------

Қўшиш

Таҳрирлаш

Ўчириш

телефон рақами-дан
телефон рақами-га
host номи-дан
host номи-га
фойдаланувчи номи-дан
фойдаланувчи номи-га
фойдаланувчи агенти номи

Ratelimit фойдаланувчилари

☐	ID	Тури	Мослик қиймати	Секунд ичидаги қўнғироқлар сони	Энг кўп актив қўнғироқлар	Сана ва вақт	Обуна	Глобал таъсир	Изоҳ
☒	1	host-дан	172.1.10.25	4	5	10.01.2023 9:36	Ха	Йўқ	
☒	2	телефон рақами - дан	+998901234567	4	5	10.01.2023 9:36	Ха	Йўқ	
☒	3	host-дан	172.2.15.15	4	5	10.01.2023 9:36	Ха	Йўқ	
☒	4	телефон рақами - дан	+74951234567	4	5	10.01.2023 9:36	Ха	Йўқ	

1-ойна

Ratelimit конфигурацияси

	Префикс ўхшашлиги	Аниқ ўхшашлик	Ўқилган
Телефон рақамлари			
телефон рақами-дан	750	1000	☒
телефон рақами-га	750	1000	☒
IP адреслар			
host номи-дан		1000	☒
host номи-га		1000	☒
Фойдаланувчи номлари			
фойдаланувчи номи-дан		1000	☒
фойдаланувчи номи-га		1000	☒

2-ойна

4.2.14.6.2. Redirect хусусиятлари

Redirect хусусиятлари Redirect бўйича шубҳали IP адреслар ва телефон рақамларга қўйилган қоидалар шаклланади. Ушбу жадвалда амалиёт тури, ўхшашлик миқдори ва IP адрес ёки телефон рақамлар бўйича маълумотлар акс этади.

Амалиёт тури 6 та қисмдан иборат: ҳостдан, ҳостга, телефон рақамдан, телефон рақамга, фойдаланувчи номидан, фойдаланувчи номига.

4.2.15. Ички фирибгарликлар

Ички фирибгарликка банк ходимлари томонидан амалга оширилган шубҳали амалиётлар назарда тутилади.

Мижозларга хизмат кўрсатиш жараёнида:

Мижозларга (жисмоний ҳамда юридик шахсларга) хизмат кўрсатишда операцияни тасдиқлаш уларнинг биометрик (*бармоқ изи, face-id*) маълумотларисиз амалга оширилганда Антифрод мониторинг тизими ҳодимига автомат тарзда хабар келиши лозим.

Ходимларнинг иш жараёнида:

Хар бир банк ходимида iABS тизимида ишлаш учун логин парол ва электрон калит берилган ва хар бир ходим курилмасининг IP манзиллари мавжуд. Агарда ходим ўзининг IP манзилидан бошқа бировнинг калити билан кирилганда ёки ўзининг калити билан бошқа ходимнинг компютеридан тизимга кирган тақдирда Антифрод мониторинг тизими ҳодимига хабар келиши лозим.

KPI кўрсаткичларини сунъий равишда ошириш мақсадида маълум бир муддатда бир мижозга бир қанча турдаги операциялар бажарилганда Антифрод мониторинг тизими ҳодимига автомат тарзда хабар келиши лозим.

4.3. Таъминот турларига қўйиладиган талаблар

4.3.1. Математик таъминотга қўйиладиган талаблар

Математик таъминот бўйича талаблар келтирилмайди. Лекин интеграция қилинган АТлар орқали амалга ошириладиган амалиётларга сценарийлар, лимитлар ўрнатиш имкони мавжуд бўлиши керак. Ўрнатилган лимитдан юқори суммадаги ёки ўрнатилган сценарийларга мос тушадиган амалиётларни тўхтатиш(агар лимит ўрнатилаётганда тўхтатиш назарда тутилган бўлса) ёки ушбу амалиётлар бўйича сигнал бериш имконияти мавжуд бўлиши лозим.

Масалан:

- 1) 1 та мижознинг ҳисобрақами бўйича 1 кунда 10 000 АҚШ долларида ортиқ амалиёт амалга оширилса, ушбу амалиёт бўйича сигнал бериш.
- 2) 1 та IP адресдан фойдаланган ҳолда 1 соатда Мобил илованинг бир нечта аккаунтларига киришга уриниш содир бўлса, ушбу IP адрессни блоклаш ва сигнал бериш.
- 3) 1 соат ичида Мобил иловадаги 1 та аккаунтга турли хил давлатларнинг IP адрессларидан киришга уринишлар содир бўлса, ушбу аккаунтни вақтинчалик блоклаш.

- 4) Мобил иловаларга 1 та IP адрессдан киришлар сони кескин ошиб кетса, IP адрессни блоклаш ва сигнал бериш.

Антифрод мониторинг дастурида юқорида кўрсатилган мисолларга ўхшаш сценарийларни яратиш имконияти мавжуд бўлиши керак. Мазкур белгиланган чегаралар админ томонидан бошқариш имкониятига эга (бир неча қоидаларни бир вақтнинг ўзида яратиш ва уларни клонлаштириш имконияти) бўлиши керак. Мижозлар ва уларнинг амалиётларини таҳлил қилиш сценарийлар ёрдамида амалга оширилиши, рискларни аниқлаш/баҳолаш жараёнларида сунъий интеллектнинг жорий етилиши кўзда тутилган.

4.3.2. Ахборот таъминотига қўйиладиган талаблар

Ахборотни кодлаш учун буюртмачи томонидан қабул қилинган классификаторлар ишлатилиши керак;

Тизим банкнинг жорий ахборот тизимлари билан ўзаро интеграция қилинган бўлиши керак;

Хужжатнинг формалари буюртмачининг стандартлари (ёки умум белгиланган хужжатлаштириш тизими)га жавоб бериши керак;

Интерфейс (экран) кўриниши, тузилиши тизимдан фойдаланувчи қурилмасига мос келиши ҳамда қулай бўлиши лозим;

Графикларнинг шаклланиши, маълумотларнинг тузилиши ва ишлатиладиган аббревиатуралар ушбу тармоқ доирасида умум қабул қилинган ҳамда буюртмачи билан келишилган бўлиши керак;

Тизимга кировчи ва чиқувчи маълумотларни мониторинги, ахборот массивларидаги маълумотларни янгилаш, маълумотлар базасининг тўлиқ еканлигини назорат қилиш ва рухсатиз киришдан ҳимоя қилиш воситаларини таъминлаши керак;

Маълумотлардан фақатгина авторизациядан ўтган фойдаланувчилар ўз ваколатларидан келиб чиққан ҳолда шунингдек сўралган маълумотнинг тоифасини ҳисобга олган ҳолда фойдаланишлари керак;

Тизим фавқулодда вазиятларда қўшимча ўчириш имкониятини таъминлаши керак.

4.3.3. Лингвистик таъминотга қўйиладиган талаблар

Ушбу тизимда бир интерфейсда бир нечта тиллардан фойдаланиш имкониятини таъминловчи кўп тиллилик инструментида фойдаланилган бўлиши керак. Шундан келиб чиққан ҳолда, экран формаларидаги майдонларнинг номлари инглиз ёки рус тилида бўлиши керак.

Кўп тиллилик инструменти хужжатларни давлат тилидаги таржимасини англатмайди;

Кўп тиллилик инструменти ушбу тизим маълумотларини турли тилларда кўрсатиш учун стандарт имкониятларининг бир қисми сифатида қўлланилади.

4.3.4. Дастурий таъминотга қўйиладиган талаблар

Тизим таркибига кировчи барча дастурий таъминотлар сертификатларга, шунингдек улардан фойдаланишнинг қонунийлигини тасдиқловчи шартномаларга (лицензияларга) эга бўлиши керак.

Дастурий таъминот фойдаланувчилар сонига мувофиқ лицензиялар комплекти билан етказилиши лозим. Ҳар бир фойдаланувчи ўзининг номидаги лицензиясидан фойдаланиши керак, шунингдек, ушбу лицензия вендорнинг энг сўнгги версияси бўлиши лозим.

Дастурий таъминот лицензиялари қуйидагича ифодаланиши керак:

Тизим лицензиясининг категориялари:

- Тизимнинг ядроси лицензиялари;
- Маълумотлар базасини бошқариш тизими лицензияси;
- Операцион тизим сервери лицензиялари;
- Носозликка чидамли дастурий таъминот компонентлари лицензиялари (кластер дастурий таъминот);
- Барча тизимлар билан интеграция қилинган дастурий таъминот;
- Резерв нусхалаш учун виртуал кўринишдаги дастурий таъминот.

Дастурий таъминот қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши керак:

- математик таъминот алгоритмларининг тўлиқ рўйхатини бажариш;
- нотўғри маълумотларга ва хатоликлар юз берган вазиятларда чидамлилиқни таъминлаш;
- дастурнинг ишлашидаги узулишлар, ҳисоблаш функциялари қисмларининг ишдан чиқиши, ходимларнинг хатоларини диагностика қилиш бўйича хабарлар етказиб туриши ҳамда тизимнинг ишлашида узулишлар бўлмаслиги керак;
- электр қуввати қутилмаганда ўчирилганда ва қайта тикланганда, тизим хатоликларсиз бошқарув ҳаракатларидан чиқмасдан автоматик қайта ишга тушиши лозим;
- топшириқларни бажариш жараёнида киритилган маълумотларнинг барча комбинациялари тўғри натижаларни бериши;
- тизим иш жараёнида операцион созлаш имкониятига эга бўлиши керак.

Дастурий таъминотга ўзгартиришлар киритиш учун парол қўйиш ва маълум чегаралар белгилаш имконияти бўлиши керак.

Дастурий таъминот учун техник ҳужжат(документация) босма шаклда (қоғоз) ва электрон шаклда рус ва ўзбек тилида тақдим этилиши керак. Агар дастурий таъминот ишлаб чиқарувчисидан давлат (ўзбек) тилида техник ҳужжатлар мавжуд бўлмаса, техник ҳужжатларни давлат тилига таржима қилиш Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

4.3.5. Техник таъминотга қўйиладиган талаблар

Лойиҳанинг техник таъминоти ўз ичига етказиб бериш, ўрнатиш, созлаш ва тизим қўлланмасини тузиш, компьютер тизимини ишга тушириш, ўқитиш, етказиб бериладиган техник таъминотнинг ва дастурий таъминотнинг ишлашини синовдан ўтказиш (қабул қилиш тестлари) бўйича барча талабларга мувофиқ етказиб беришни таъминлаш, бутун комплексни ишга тушириш ва тўлиқ фойдаланишни бошлашни назарда тутди.

Ускуна ва дастурий таъминот архитектураси қуйидаги талабларга жавоб бериши керак. Дастурий таъминот қуйидаги даражаларга эга бўлган модулли хизматга йўналтирилган кўп босқичли архитектурага мувофиқ қурилган очик тизим бўлиши керак:

- маълумотларни марказлаштирилган ҳолда йиғиш, сақлаш ва қайта ишлаш;
- бизнес-жараёнларнинг барча мантиғи ва асосий ҳисоблаш юки(нагрузка) жамланган кенгайтириладиган дастур сервери;
- фойдаланувчи веб-интерфейси.

Фойдаланувчи интерфейси вебда шакллантирилиши ва веб браузер орқали фойдаланилишини таъминлаши керак.

4.3.6. Метрологик таъминотга қўйиладиган талаблар

Тизим мултивалюталикни қўллаб-қувватлаши керак (жорий валюта курсининг манбаи мижознинг молиявий тизими бўлади).

Пул бирликларини ҳисоблашда яхлитлашда хатоликка йўл қўймаслик.

Фоизларни ҳисоблашда яхлитлаш хатолари ва ҳисоблаш хатоларининг тўпланишининг мавжуд бўлмаслиги.

Метрологик таъминот учун қўшимча талаблар йўқ.

4.3.7. Ташкилий таъминотга қўйиладиган талаблар

Вендор қўлланманинг тўлиқ тўпламини тақдим Этиши керак; етказиб бериладиган дастурий таъминотнинг ҳар бир бирлиги асл техник қўлланманинг тўлиқ тўплами билан бирга бўлиши керак.

Вендор томонидан Буюртмачининг мутахассисларига кафолат муддати давомида зарур маълумот ва маслаҳатлар бериб борилиши шарт.

Вендор томонидан қўлланмаларнинг тўлиқ шакли қоғоз ва электрон вариантда буюртмачига тақдим этилиши шарт.

Дастур ишга туширилган жойда Вендор мутахассислари томонидан Дастурий таъминот учун кафолатли хизмат тақдим этилиши керак.

Дастурий таъминот ва унинг модулларини реализация қилиш жараёнида сотиб олинган техникаларнинг ишлаб чиқарувчиси етказиб берилаётган техниканинг Ўзбекистон Республикасида таъмирланишини таъминлаш бўйича хизмат кўрсатиш кафолатларига ега бўлиши керак (асосан етказиб берувчи ва хизмат кўрсатиш маркази Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган бўлиши керак).

Хизмат кўрсатиш марказида Вендор томонидан етказиб бериладиган техникалар ишлаб чиқарувчиларининг рухсатномалари бўлиши керак.

Тақдим этилган барча техникаларга кафолатли хизмат кўрсатиш қуйидаги тартибда амалга оширилиши керак:

Вендор ёки хизмат кўрсатиш марказининг ваколатли вакили Буюртмачининг ваколатли вакилини чақиргандан сўнг қуйидаги тартибларни амалга оширади:

- ускунада нуқсонлар мавжудлиги тўғрисида далолатнома тузиш;
- носоз ускунани алмаштириш (агар мавжуд бўлса) ёки таъмирлаш;
- ишни тугатганлиги тўғрисида далолатнома тузиш (иш тугагандан кейин). Бундай ҳолда, ускунага техник хизмат кўрсатиш бўйича сўровга жавоб бериш муддати 72 соатдан ошмаслиги керак.

Вендорнинг ёки хизмат кўрсатиш марказининг ваколатли вакили захирада эҳтиёт қисмлар бўлмаса, носоз ускуна ёки унинг нотўғри қисми ускуна нуқсони тўғрисида далолатнома берилгандан сўнг, Вендор билан тузилган шартномада кўрсатилган тартибда Вендор томонидан белгиланган хизмат кўрсатиш марказига таъмирлаш ёки

алмаштириш учун юборилиши мумкин.

Вендор масофавий техник хизмат кўрсатиш ёки керак бўлганда Вендорнинг мутахассислари ташриф буюриш орқали Дастурий таъминотнинг ўзи ва унинг модуллари учун кафолатланган хизматларни тақдим этиши керак.

4.3.8. Услубий таъминотга қўйиладиган талаблар

Тизим муаммоларини ҳал қилиш учун қўлланиладиган алгоритмлар, ҳисоблаш усуллари ва вазифаларни бажариш учун бошқа аниқ талаблар техник дизайнни ишлаб чиқиш босқичида Вендор томонидан батафсил баён қилинади ва Буюртмачи билан келишилади.

Тизим амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ташкилий-маъмурий ҳужжатлар асосида амалга оширилиши керак.

Фойдаланувчилар томонидан Тизимда операцияларни бажариш усуллари ва кўрсатмалари белгиланган тартибда ишлаб чиқилиши ҳамда тасдиқланиши керак.

Методик таъминот қуйидагиларни ўз ичига олади:

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар;
- Тизимдан фойдаланган ҳолда ишларни бажарувчи ходимларнинг лавозим тавсифлари.

Методик таъминотга қўйиладиган талаблар лойиҳалаш жараёнида аниқланиши мумкин ва буюртмачи билан келишилади.

Норматив-техник ҳужжатлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига жавоб бериши ва қуйидаги стандартларга мувофиқ ишлаб чиқилиши керак:

- O'z DSt 1986:2018 Ўзбекистон Республикасининг Давлат стандарти Ахборот технологияси. Ахборот тизимлари. Яратиш босқичлари
- O'z DSt 1987:2018 Ўзбекистон Республикасининг Давлат стандарти “Ахборот технологияси. Ахборот тизимини яратиш учун техник топшириқ”.
- O'z DSt 1985:2018 Ўзбекистон Республикасининг Давлат стандарти “Ахборот технологияси. Ахборот тизимларини яратишда ҳужжатларнинг турлари, комплектиги ва белгиланиши”.
- O'z DSt 3243:2017 Ўзбекистон Республикасининг Давлат стандарти “Ахборот технологиялари. Маҳаллий ва корпоратив компютер тармоқлари. Техник талаблар”
- Т 45-194:2007 Ахборот тизимларига ноқонуний кириш ҳаракатларининг олдини олишни таъминлаш учун дастурий ва техник воситалардан фойдаланиш бўйича тавсиялар.

4.3.9. Фойдаланувчиларни ўқитиш

Вендор 20 кишидан кўп бўлмаган фойдаланувчилар (тизимнинг асосий ва янги фойдаланувчилари) учун Тизим бўйича тренинглар ўтказида. Тренинг Тошкент шаҳрида Буюртмачи томонидан белгиланган жойда ўтказилади.

Буюртмачи фойдаланувчиларни қуйидагилар билан таъминлайди:

- тегишли миқдордаги фойдаланувчиларни тайёрлаш учун талабга жавоб берадиган бино;
- ўқув хонасида компютер техникасининг зарур миқдорда мавжудлиги ва Тизимда ишлаш учун талабларга жавоб бериши;

- Такдимот ускуналари.

Ахборот тизим буйича техник хужжатлар вендор томонидан буюртмачига такдим этилиши зарур.

4.3.10. Товарларни суғурталашга қўйиладиган талаблар

Лойиҳа доирасида етказиб бериладиган товарлар ускуналар ишлаб чиқарувчиси томонидан юкланган пайдан бошлаб Товарларни етказиб бериш шартларига мувофиқ Буюртмачи томонидан қабул қилингунга қадар тўлиқ суғурталанган бўлиши керак.

Товар Буюртмачига етказиб берилгунга қадар ишлаб чиқариш ёки сотиб олиш, ташиш, сақлаш билан боғлиқ барча йўқотиш ёки шикастланиш хавфидан етказиб берувчи томонидан суғурталанган бўлиши керак.

4.3.11. Кафолатларнинг ҳажми ва ёки муддатига қўйиладиган талаблар

Таклиф этилаётган техникалар ва дастурий таъминот янги (ишлатилмаган, таъмирланмаган, реклама қилинмаган), 2022 йилдан кейин ишлаб чиқарилган бўлиши ва халқаро стандартларга жавоб бериши керак.

Барча жиҳозлар камида 3 йил кафолатга эга бўлиши керак. Барча дастурий таъминот камида 1 йил кафолатга эга бўлиши керак.

Тизимга эгалик қилишнинг умумий қийматини (ТСО) ҳар томонлама баҳолаш учун Вендор тизимни фойдаланишга топширгандан кейин кейинги 3 йил ичида ишончли ва узлуксиз ишлаши учун зарур бўлган келгуси харажатлар тўғрисида маълумот бериши керак (техник таъминот, узайтириш, ишлаб чиқарувчининг расмий кафолати ва бошқалар).

Вендор таклиф нархида кафолатдан кейинги хизмат (вендорнинг расмий кафолат муддати тугаганидан кейин) ва 1 йил давомида техник ёрдам кўрсатиш нархини ҳисобга олиши керак.

V. АХБОРОТ ТИЗИМИ ЯРАТИШ ИШЛАРИНИНГ ТАРКИБИ ВА МАЗМУНИ

RACI-матрица (лойиҳа иштирокчилари ўртасида вазифаларни тақсимлаш)

R	Responsible (Масъул шахс)	Лойиҳани амалга ошириш ишларини бажарадиган лойиҳа иштирокчиси. Натижага эришиш учун жавобгар юридик шахс.
A	Approver (Тасдиқловчи)	Бажарилган ишларнинг тўғрилиги ва тўлиқлигини тасдиқлайдиган лойиҳа иштирокчиси. Иш натижаларини қабул қилувчи юридик шахс.
C	Consulted (Консультант)	Лойиҳани яратиш учун консультация берувчи лойиҳа иштирокчиси. Соҳа буйича экспертлар.
I	Informed (Хабардор этилувчи шахс)	Лойиҳани амалга ошириш жараёнини тўғрисида хабардор қилиб бориловчи шахс.

Томонларнинг жавобгарлик нуктаи назаридан босқичлар бўйича лойиҳанинг таркиби ва мазмуни.

№	Амалга ошириладиган босқичнинг номи	Муддати	Масъул	
			Ижрочи	Харидор
1- босқич. Лойиҳани амалга оширишга тайёргарлик				
1	Лойиҳани ишга тушириш учун ички жараёнларни ташкил етиш: Кенгаш буйруғи/қарорини қабул қилиш, ресурсларни мувофиқлаштириш, иш жойларини тайёрлаш ва бошқа ташкилий-тайёргарлик ишлари.	1-2 ой	C, I	R, A
2	Ички ва ташқи тизимлар бўйича зарур техник ҳужжатларни тақдим етиш, шунингдек иш жараёнидаги баъзи масалалар бўйича маслаҳатлар бериш.		C, I	R, A
3	Лойиҳани амалга ошириш бўйича ҳужжатларни тайёрлаш.		R, A	C, I
4	Лойиҳани амалга ошириш бўйича тайёргарлик босқичига алоқадор ҳужжатларни тасдиқлаш ва имзолаш.		C, I	R, A
2- босқич. Лойиҳалаш				
1	Сўров бўйича лойиҳалаш учун зарур бўлган маълумотлар, технологик кўрсатмалар ва ҳужжатларни ўз вақтида тақдим етиш.	3 ой	C, I	R, A
2	Лойиҳалаш, ишлаб чиқиш ва синов доирасида саволларга жавоб бериш учун буюртмачи томонидан алоҳида тизимлар учун ишчи гуруҳ ажратиш.		C, I	R, A
3	Лойиҳалаш учун зарур бўлган талабларни тўплаш ишларини амалга ошириш.		R, A	C, I
4	Талабларни тўплаш жараёнида олинган маълумотларни таҳлил қилиш.		R, A	C, I
5	Кейинчалик амалга ошириш учун зарур бўлган лойиҳа босқичининг ҳужжатларини тайёрлаш		R, A	C, I
6	Лойиҳа босқичининг олинган ҳужжатларини тасдиқлаш ва имзолаш.		C, I	R, A
3- босқич. Реализация қилиш ва тестдан ўтказиш .				
1	Лойиҳа босқичида олинган функционал ишланмалар алгоритмларини оптималлаштириш.	2 ой	R, A	C, I
2	Ишлаб чиқилган лойиҳани интеграция қилишдан олдин тестдан ўтказиш.		R, A	C, I
3	Ишлаб чиқилган функцияларни банкнинг мавжуд тизимлари ва ҳамкорлар билан интеграция ишларини амалга ошириш.		R, A	C, I
4	Банк тизимлари ва ҳамкорлар билан интеграция натижасида аниқланган камчиликлар ва		R, A	C, I

	нуксонларни бартараф етиш.			
5	Интеграция жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этгандан сўнг уларни комплекс синовдан ўтказиш учун стендлар ажратиш.		C, I	R, A
6	Интеграцияни такомиллаштиришни комплекс синовдан ўтказиш учун стендларни тайёрлаш.		R, A	C, I
7	Комплекс синовларни ўтказиш.		R, A	C, I
8	Кенг қамровли қабул синовлари натижасида аниқланган муҳим нуксонларни бартараф етиш.		R, A	C, I
9	Вендор томонидан амалга оширилган ишларни ўз вақтида синовдан ўтказиш ва қабул қилиш.		C, I	R, A
10	Ташкилий, техник ва ресурсларнинг самарали ишга тушишига тайёрлигини баҳолаш ва маълумот бериш.		C, I	R, A
11	Интеграцияни такомиллаштириш ва синовдан ўтказиш босқичининг якуний ҳужжатларини тайёрлаш.		R, A	C, I
12	Лойиҳани амалга ошириш ва синов босқичининг лойиҳалаш, ташкилий, операцион ва расмий ҳужжатларини тасдиқлаш ва имзолаш.		C, I	R, A
4- босқич. Якуний эксплуатация				
1	Лойиҳани самарали ишга тушуриш ҳақида қарор қабул қилиш.		C, I	R, A
2	Лойиҳани такомиллаштиришни бошлаш учун буйруқ бериш.		C, I	R, A
3	Буюртмачидан ўқитиш учун мутахассисларни ажратиш, Тошкент шаҳрида 10 кишидан кўп бўлмаган.		C, I	R, A
4	Тошкент шаҳрида ўқишни ташкил етиш ва ўқитиш учун жой билан таъминлаш.	2 ой	C, I	R, A
5	Буюртмачи ходимларини Тошкент шаҳрида 10 кишидан кўп бўлмаган тизимда фойдаланувчи сифатида ишлашга ўргатиш.		R, A	C, I
6	Якуний босқичнинг олинган ҳужжатларини тайёрлаш.		R, A	C, I
7	Якуний босқичнинг олинган ҳужжатларини тасдиқлаш ва имзолаш.		C, I	R, A

VI. АХБОРОТ ТИЗИМИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Тизимни назорат қилиш ва қабул қилиш ахборот технологиялари талабларига Ўз DST 1986:2018 мувофиқ амалга оширилади.

Тизим назорати, синов босқичлари ҳамда қабул қилиш яхлит тизимга ёки ҳар бир

модул (қуйи тизимга) нисбатан амалга оширилиши мумкин.

Тизим учун қуйидаги асосий синов усуллари ўрнатилган:

- дастлабки синов
- тизимни ишга туширишдан олдинги синов
- тизимни ишга тушириш

Тизимни барча босқичларини синовдан ўтказиш мақсадида “Синов усули ва дастури” ҳужжат ишлаб чиқилади ҳамда натижаларнинг ишончилигини таъминлаш учун зарур ва етарли даражада вақт белгиланади. Синов дастури ва методологияси яхлит тизим ёки маълум бир қисмлар учун ишлаб чиқилиши мумкин. Синовлар (назорат мисоллари) илова сифатида киритилиши мумкин.

Тизимни синовдан ўтказишда техник топшириққа мос келиши қуйидагилар орқали аниқланади:

- ходимларда тизим ҳужжатлари тўғрисида тушунча шунингдек, тизимнинг барча иш режимларида белгиланган функцияларни бажариш учун зарур бўлган кўникмаларнинг мавжудлиги;

- ходимларда тизимнинг барча иш режимларида ўз функцияларини бажариши учун тизим ҳужжатларидаги кўрсатмаларнинг тўлиқлиги;

- тизим томонидан автоматик ва автоматлаштирилган функцияларини бажарилишининг миқдорий ва сифат хусусиятлари;

- техник топшириқ талаблари доирасидаги тизимнинг бошқа ўзига хос хусусиятлари.

Тизим буюртмачи объектида синовдан ўтказилади. Буюртмачи ва вендор ўртасидаги келишувга биноан дастлабки синовлар вендорнинг техник воситаларида амалга оширилиши мумкин.

Тизимни қабул қилиб олиш тартиби ҳамда комиссия таркиби буюртмачи томонидан белгиланади.

Синовлар якунлангандан сўнг камчиликлар рўйхати тузилади ҳамда далолатнома расмийлаштирилади. Ушбу ҳужжатлар асосида кейинги синовга ўтиш ёки тизимни қабул қилиш (ёки аксинча) тўғрисида қарор қабул қилинади. Синовлар тизимдаги хато ва камчиликлар бартараф этилгунгача такрорланиши ҳамда ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар давом этиши мумкин.

Тизимнинг якуний синовлари барча хатолар (камчиликлар) бартараф этилиб синовдан ўтказилгандан сўнг, вендор томонидан тизимнинг дастурий ва техник воситалари синовга тайёрлиги тўғрисида тегишли ҳужжатлар тақдим этилгандан кейин, шунингдек буюртмачининг техник мутахассислари тизимга таълуқли ҳужжатлар билан танишгандан сўнг амалга оширилади.

Тизимни ишга туширишдан олдин синовларда тизимнинг алоҳида қисмлари, комплекслари ва вазифалари, шунингдек ҳужжатлар асосида реал шароитда ишлашга тайёрлиги текширилади. Тизим ва унинг алоҳида қисмларини ишга тушириш қабул қилиш далолатномаси тасдиқланган кейин амалга оширилади.

Техник топшириқда кўзда тутилмаган дастлабки синовлар ва тизим ишга туширилганда юзага келган буюртмачининг қўшимча талаблари тизимни ва синов натижаларини салбий баҳолаш учун асос бўлмайди. Улар қўшимча шартнома асосида келишилган муддат ичида амалга оширилади.

Дастлабки синов ижрочи томонидан ишлаб чиқилиб, буюртмачи томонидан тасдиқланган дастур ва усулда амалга оширилади. Тизимнинг дастлабки синови унинг ишлашини аниқлаш ва тизимни ишга тушириш имкониятини ўрганиш учун ўтказилади. Дастлабки синовлар махсус стендда ўтказилади.

Тизимнинг ишга туширишдан олдинги синов режалаштирилган натижалар ва тузилган ахборот моделининг тўғрилигини аниқлаш, тизимнинг функционал имкониятлари фойдаланувчиларнинг талабларига жавоб бериш даражасини ва фойдаланувчи график интерфейси билан ишлаш қулайлиги даражасини аниқлаш учун амалга оширилади.

Тизимнинг ишга туширишдан олдинги синовга қуйидагилар киради:

буюртмачининг синовлар амалга ошириладиган қурилмалари (серверлари) аниқлаш;

синовларни амалга оширишдаги буюртмачи томонидан белгиланган маъсул шахсларни аниқлаш;

синовларга жалб этилган буюртмачининг маъсул ходимлари аниқлаш;

тизимни ўрнатиш;

тизим билан ишлаш тўғрисида буюртмачи ходимларига маслаҳат бериш.

Синов тизими фаолияти тўғрисида журнал юритилади, унда жараёни амалга ошириш давомийлиги, носозликлар, узилишлар, фавқулодда ҳолатлар, объект параметрларининг ўзгариши, ҳужжатлар ва дастурий таъминотга тузатишлар ва техник воситаларни сошлаш тўғрисида маълумотлар киритилади. Маълумотлар маъсул шахслар томонидан сана кўрсатилган ҳолда қайд этиб борилади. Ходимлар томонидан тизимдан фойдаланишнинг қулайликлари тўғрисида изоҳлар қайд этилиши мумкин.

Синов босқичи сўнгида тизимга киритилган ахборотлар маълумотлар базасидан ўчирилиши шунингдек ҳеч қандай расмий ҳисобот шакллариш учун фойдаланилмаслиги лозим.

Тизимни ишга тушириш.

Синов босқичидан ўтган, лойиҳага мувофиқ ва хавфсизлик талабларига жавоб берадиган тизимни ишга тушириш.

VII. АХБОРОТ ТИЗИМИНИ ИШГА ТУШИРИШГА ТАЙЁРЛАШ ИШЛАРНИНГ ТАРКИБИ ВА МАЗМУНИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Дастлабки синовлар бошлангунга қадар (буюртмачининг маълумотларни қайта ишлаш маркази) тизимнинг ишлашига оид барча камчиликлар бартараф этилади.

Тизимнинг ишга туширишдан олдинги синов якунига қадар барча

фойдаланувчилар дастурий таъминот мажмуаси билан ишлаш (бошқариш) бўйича етарлича малакага эга бўлиши керак.

Тизимни ишга тушириш учун буюртмачи томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- ижрочи ташкилот билан биргаликда Тизим (қуйи тизимлар)ни ривожлантириш (модернизация) бўйича иш-режа ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- тизимни ишга тушириш бўйича ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш;

- тизимнинг ишлашини таъминлайдиган техник воситаларни(сервер) ўрнатиш, ташқи таъсирлардан ва тизимга рухсатсиз киришдан ҳимоя учун тегишли чоралар кўриш ва синовдан ўтказиш;

- зарур ташкилий ва маъмурий ҳужжатларни тайёрлаш ва тасдиқлаш;

- тизимда ишлайдиган ходимларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув-машғулотларни ўтказишни ташкиллаштириш;

- тизим фойдаланувчиларига тизим интерфейсидаги барча бўлинмаларини ўргатиш(user guide);

- техник ҳужжатларни фойдаланувчилар томонидан ўзлаштирилишини таъминлаш;

- саволнома ва бошқа маълумотларни тайёрлаб тегишли маълумотлар базаларига киритиш;

- тизим администраторининг иш жойида вендор билан биргаликда тизимнинг назорат синовларини ўтказиш.

Тизимни ишга туширишда вендорнинг мажбуриятлари:

- буюртмачи билан биргаликда тизимни ишга тушириш учун тайёрлаш бўйича йўл-харитасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- тизимнинг зарур техник ҳужжатларни ишлаб чиқиб, дастурий таъминоти билан ишловчи фойдаланувчиларга тақдим етиш;

- тизим админлари билан биргаликда тизимни охириги синовлардан ўтказиш;

- тизимдан фойдаланадиган асосий фойдаланувчиларига консультация бериш.

VIII. ХУЖЖАТЛАШТИРИШГА ТАЛАБЛАР

ҚЎЙИЛАДИГАН

Ахборот тизимини ижрочиси томонидан стандартлар талабларига мувофиқ келишилган ва банк томонидан тасдиқланган операцион ҳужжатларни тақдим этиши керак, шу жумладан:

- АТ фойдаланувчи қўлланмаси;
- АТ бошқаруви қўлланмаси.

Фойдаланувчи қўлланмасида АТ тамойиллари ва функциялари тавсифи, шунингдек, электрон ҳужжатларни яратиш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ АТда ишлаш усуллари бўлиши керак.

АТ бошқаруви қуйидаги қўлланмаларни ўз ичига олади:

- АТ ўрнатиш бўйича кўрсатмалар;
- АТ ташкилоти тамойилларининг тавсифи (администратор даражасида);
- АТ билан ишлаш усуллариининг тавсифи;
- АТ каталогини юритиш усуллариининг тавсифи;
- АТ ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича тавсиялар.

Ушбу лойиҳа доирасидаги барча операцион ҳужжатлар банкка компакт-дискларда электрон шаклда узатилади.

Иштирокчининг малакасига қўйиладиган талаблар

Иштирокчи хорижий мамлакатларда шунга ўхшаш лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш тажрибасига, юқори малакали ходимларга, яхши обрўга ва ушбу лойиҳани амалга ошириш учун етарли ресурсларга эга бўлиши керак.

Лойиҳа жамоаси аъзолари хорижий мамлакатлар банк соҳасида малака ва амалий халқаро тажрибага эга бўлиши керак.

Етказиб берувчи лойиҳани амалга ошириш учун ўзбек ва рус тилида сўзлашадиган мутахассислар гуруҳига эга бўлиши керак.

Сотувчидан ўзбек ёки рус тилларида техник ёрдам кўрсатиш мавжудлиги.

Бошқа барча нарсалар тенг бўлса, вендор компаниялар етказиб берувчини танлашда устунликка эга бўладилар.